


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*61040300 – Йўл ҳаракатини ташкил этиш бакалавриат таълим  
йўналишининг малака талаблари*

Тошкент



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат транспорт университети.

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йўналишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 369 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим давлат таълим стандарти, Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 61040300 - Йўл ҳаракатини ташкил этиши бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи .....	4
1.1. Қўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1. 61040300 - Йўл ҳаракатини ташкил этиши таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 61040300 - Йўл ҳаракатини ташкил этиши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....	4
1.2.1. 61040300 - Йўл ҳаракатини ташкил этиши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. 61040300 - Йўл ҳаракатини ташкил этиши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3. 61040300 - Йўл ҳаракатини ташкил этиши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 61040300-Йўл ҳаракатини ташкил этиши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 61040300-Йўл ҳаракатини ташкил этиши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1. Умумий компетенциялар.....	6
2.2. Касбий компетенциялар.....	6
Библиографик маълумотлар.....	8
Келишув варағи.....	9

## **1. 61040300 - Йўл ҳаракатини ташкил этиш бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**61040300 - Йўл ҳаракатини ташкил этиш** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йилни ташкил қилади.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси.**

**1.1.1. 61040300 - Йўл ҳаракатини ташкил этиш таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби **61040300 - Йўл ҳаракатини ташкил этиш** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

– мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

– бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 61040300 - Йўл ҳаракатини ташкил этиш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

**1.2.1. 61040300 - Йўл ҳаракатини ташкил этиш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**61040300 - Йўл ҳаракатини ташкил этиш** бакалаврият таълим йўналиши – “Транспорт хизматлари” таълим соҳасига оид йўналиши бўлиб, у халқаро тажрибаларга мувофиқ йўл ҳаракатини хавфсиз ташкил этиш соҳасини ривожлантиришга, автомобиль транспортдан унумли фойдаланишга, транспортда логистик жараёнларни ташкил этиш ва уни таъминлашга йўналтирилган инсон фаолияти воситалари, усуллари ва йўллари мажмуини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолияти соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. 61040300 - Йўл ҳаракатини ташкил этиш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

– Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси;

– Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари;

– автомобил транспорти соҳасидаги ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича юридик мақомга эга бўлган турли вазирлик, компания, концерн ва уюшмаларга қарашли давлат ва нодавлат автотранспорт корхоналари;

– ҳудудий ички ишлар бўлинмалари ва транспорт департаментларида йўл ҳаракатини тартибга солиш ва бошқариш воситаларини қўллаш;

– мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмалари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектлари;

*Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

61040300 - *Йўл ҳаракатини ташкил этиши* таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриятнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

**1.2.3. 61040300 - *Йўл ҳаракатини ташкил этиши* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- илмий –тадқиқот;
- лойиҳавий-технологик;
- ишлаб чиқариш-технологик;
- ташкилий-бошқарувни ўз ичига олади.

**1.2.4. 61040300 - *Йўл ҳаракатини ташкил этиши* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

61040300 - *Йўл ҳаракатини ташкил этиши* таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Илмий -тадқиқот фаолиятида:**

– транспорт-ишлаб чиқариш масалаларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган илмий-тадқиқот ишларида қатнашиш;

– йўл ҳаракати жараёни технологиясини мукаммаллаштириш натижасида олинadиган иқтисодий фойдани баҳолай олиш;

– йўл ҳаракатини, ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси соҳасидаги махсус адабиётлар, илмий-техникавий маълумотлар, чет элда ва руспубликамизда эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ютуқларни ўрганиш;

– илмий тадқиқотларни ўтказиш ва ишланмаларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

– мавзу (топширик) бўйича илмий-техник маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил этиш ва тизимлаштириш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этишда қатнашиш.

**Лойиҳавий-технологик фаолиятида:**

– транспорт соҳасида йўл ҳаракатини ташкил этиш жараёни билан боғлиқ бўлган объектларни лойиҳалаш;

– транспорт турларининг транспорт-логистик тизимини ишлаб чиқиш;

– йўл ҳаракатини ташкил этиш жараёнининг чет эл тажрибалари ва андозаларига асосланиб замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда янги транспорт-технологик лойиҳаларини яратиш;

– транспорт соҳасида самарадор йўналишлар лойиҳаларини яратиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

#### **Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:**

– чет эл тажрибаларига асосланиб намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш;

– транспорт соҳаси объектларида ягона технологик жараёнларини ишлаб чиқиш, йўл ҳаракатини, ташишларни ташкил этиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда белгиланган тартибда фаолият кўрсата олиш;

– амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– йўл ҳаракатини, ташишларни ташкил этиш, ва транспорт логистикасида қўлланилаётган илғор технологик тадбирларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш;

– ташишларни ташкил этиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини белгилаш бўйича тўлиқ ҳажмдаги зарурий кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассис сифатида мустақил амалий фаолиятни амалга ошириш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– ишлаб чиқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш ва мониторингини олиб бориш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ташиш жараёнларини назорат қилиш;

– йўл ҳаракати жараёнларини хавфсиз ва самарали ташкил этиш;

– йўл ҳаракатини бошқариш жамоаси ишини ташкил этиш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

– транспорт воситалари ишини ташкил этишда атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

## **2. 61040300 - Йўл ҳаракатини ташкил этиш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;
- корпоратив ахборот тизимларини, статистик таҳлил ва ҳисоботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишни билиш;
- соҳада бошқарув вазифаларини, ишни ташкил қилиш, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни билиш;
- соҳада рақобатдошликни таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашни бошқариш соҳасида давлат сиёсати, бошқарув тизими, тузилиши, фаолияти, йўл ҳаракатини бошқаришнинг техник воситалари, уларни қўллаш бўйича кўникмаларга эга бўлиш;
- йўл ҳаракатини ташкил этиш муаммолари, тавсифлари, кўча-йўл шароитлари, жамоат транспортининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ҳаракатини ташкил этиш кўникмаларига эга бўлиш;
- йўл ҳаракати жараёнида қоидалар бузилиши, йўл-транспорт ҳодисалари вужудга келишида, уларнинг олдини олиш, миқдорини камайтиришда ҳайдовчи, пиёда, йўловчиларнинг ўрни ҳақида билимларга эга бўлиш;
- шаҳар транспорт тизимларини лойиҳалаш ва тизимли таҳлил қилиш, ташишларни ташкил этишда транспорт тизимлари ва улар ишини режалаштириш, ҳаракатни ташкил этиш усуллари танлаш ва қўллаш қобилиятига эга бўлиш.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

йўл ҳаракати, ҳаракат тезлиги, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, кўча-йўл тармоқлари, техник воситалар, светофор, транспорт ва пиёдалар оқими, транспорт воситаларининг конструктив хавфсизлиги, ташишларни ташкил этиш, транспорт логистикаси, жамоат транспорти, касбий фаолият тури, таълим йўналиши, касбий фаолият соҳаси, ўқув режаси, фан дастури, бакалаврият, ўқув жараёни, лойиҳавий-технологик фаолияти, илмий-тадқиқот иши, ишлаб чиқариш-технологик, ташкилий-бошқарув, малакавий амалиёт, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, ишлаб чиқариш.



# КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

## ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



М.Ў. 202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

## КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Транспорт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Вазир ўринбосари  А.Муминов

Директор в.б.  М.Эсонов

М.Ў. 202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў. 202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги  
Йўл ҳаракати хавфсизлиги  
бош бошқармаси

И.Каримов номидаги  
Тошкент давлат техника университети

Бошлиқ  полковник О.Саидов

Ректор  С.Турабджанов

202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.

М.Ў.

